Мингта банк қаторида

Ўзбекистоннинг йирик ва ишончли банкларидан бири — «Асака» ихтисослашган давлат-акциядорлик тижорат банки 1998 йил якунлари бўйича биринчи марта жаҳондаги мингта йирик банк рўйхатига киритилди. Халқаро молия соҳасидаги нуфузли «The Banker» журнали эълон қилган бу рўйхатда «Асака» банки 959-ўринни эгаллаган. «Асака» жаҳондаги мингта энг яхши банк рўйхатига киритилган Ўзбекистоннинг иккинчи банкидир.

(ЎзА)

Даромад 40 миллион сўмга етади

Бобо Файзиев номли хўжалик Жиззах вилоятидаги энг йирик ғаллачилик хўжаликларидан бири. Хўжалик ғаллачиликни ривожлантириш борасида йил сайин эришилаётган ютуқларини мустаҳкамламоқда. Ўтган йили хўжалик ғаллачиликнинг ўзидан 22 миллион сўм даромад олди. Ерлар ишончли қўлларга, мулкдорлар га топширилиши эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Хўжалик деҳқонлари бу йил ҳам яхши меҳнат қилдилар. Мавжуд 1273 гектар ғалла майдони 156 оилага бўлиб берилди. Оилавий ижарачилар ҳосилдорликни ошириш учун барча ички имкониятлардан фойдаландилар. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Хўжалик бўйича ҳосилдорлик гектар ҳисобига 37 центнерни ташкил этди. Жами 4 минг тонна дон етиштирилиб, шундан 2600 тоннаси давлатга сотилди. Ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш истагида меҳнат қилаётган хўжалик деҳқонлари бу йил ялпи даромадни 40 миллион сўмга етказишни мўлжаллаб турибдилар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Балиқчилар зафари

«Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмасига қарашли балиқчилар республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишда ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Кейинги йилларда Жанубий Орол бўйларидаги кўлларни сувлантиришда катта ишлар амалга оширилди. Шунинг ҳисобидан кўлларда балиқларни урчитиш ва ривожлантириш яхши йўлга қўйилди.

«Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмаси балиқчилари 3 минг 510 центнер ўрнига 4000 центнер балиқ овлаб шу йилнинг 6 ойлик балиқ овлаш режаларини ошириб бажардилар. Режа 110 фоиздан ошириб адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 254 центнердан кўпроқ балиқ овлаб топширилди.

«Амударё» жамоа хўжалиги балиқчилари 1290 центнер, «Қозоқдарё-балиқ» ҳиссадорлик жамият 431 центнер, «Кунградбалиқ» жамоа корхонаси 446 центнер балиқ овлаб давлат ҳиссадорлик уюшмаси балиқчиларининг балиқ овлаш режасини ошириб бажаришда муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ана шу корхоналар балиқчилари кунлик балиқ овлаш режаларини ошириб бажармоқдалар.

Беруний, Тахтакўпир, Элликқалъа, Чимбой, Бўзатов туманлари балиқчилик хўжаликлари ҳам бир ҳафтадан бери иккинчи ярим йил ҳисобига балиқ овлаб топширмоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 29 июль, пайшанба • № 87 (24.482).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ярим йил давомида жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиёт барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилганини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун шароит яратилганини таъкидлади.

Юртбошимиз мамлакатимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида жорий йил муҳим босқич бўлганини қайд этди. Бу ютуқлар соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижасидир, деди Президент.

Йўлбошчимиз бугунги кундаги асосий вазифа ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан орқага қайтмай, халқ турмушини яхшилаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўйини ошириш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик ва тотувликка бўлаётган таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлиш эканлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда жорий йилнинг олти ойи давомида иқтисодий ўсишга эришилгани, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана савдо, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ва иқтисодиётга инвестиция ётқизиш ҳажми ортгани қайд этилди.

Айни пайтда корхоналарни ислоҳ қилиш суръатларининг пастлиги туфайли уларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ўзаро қарзлар миқдори ҳамон юқори. "Ўзавтосаноат" ва "Ўзмашсаноат" уюшмалари, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси, "Кўмир" акциядорлик бирлашмасида дебиторлик-кредиторлик қарзлари қисқармаяпти. Бир қатор инвестиция лойиҳалари, корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга сотиш, шунингдек, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига бюджетга маблағ тушириш борасида ҳам қолоқлик мавжуд.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен, Бош вазир ўринбосари А.Исаев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ғ.Муҳамедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА)

Суратларда: мажлис пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги олдидан

Шарқ гавҳари

«Шарқ гавҳари — Самарқанд» — Тошкентдаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида шу номда кўргазма очилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ЎзА Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва республика Бадиий академияси билан биргаликда Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги шарафига тайёрлаган бу унутилмас воқеа байрамона ташкил этилган — карнай садолари, мусиқа одамларни кўргазмага чорлайди, зал кираверишига халқ усталари ясаган ноёб буюмлар, шунингдек сахий заминимизда етиштирилган мевалар, Самарқанд нонлари қўйилган.

Асосий экспозиция — мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини зўр маҳорат билан тасвирлаган ўзбек фотожурналистларининг асарларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев кўргазмани очиш чоғида сўзга чиқиб, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолият тарихнинг унутилмас саҳифаларида акс эттирилиши лозимлигини таъкидлади. Бу иш ижодкор ходимлар, хусусан фотожурналистлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Самарқанд вилояти ҳокими Э. Рўзиев кўргазмага келган кўп сонли кишиларга минтақада амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида, саноат ва қишлоқ корхоналари меҳнатчилари эришган ютуқлар ҳақида сўзлади.

Фотокўргазма муаллифлари Р. Шагаев, А. Тўраев, Ф. Қурбонбоев республикамизга танилган фото усталари бўлиб, улар қадимий диёримизнинг бугунги кунини ҳақиқий санъаткорларга хос нозик дид билан акс эттирганлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисида ғоят лўнда ва айни пайтда ҳужжатларни акс эттирувчи солномачиларга хос бўлган бадиий тил билан ҳикоя қилганлар. Кўргазмага келганлар (уларнинг орасида жамоатчилик, ижодий уюшмалар вакиллари, дипломатлар бор эди) мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Самарқанд нечоғли ўзгариб кетганига ишонч ҳосил қилдилар. Айни пайтда шаҳар ўзининг дастлабки қиёфасини, анъаналарини, маданиятини сақлаб қолган. Ҳамиша миллатимиз фахри бўлган тарихий ёдгорликлар тикланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан буюк аждодимиз Имом ал Бухорий хотира мажмуи барпо этилди. Ҳозир у бутун дунёдан келаётган зиёратчилар учун муқаддас жойга айланди. Қадимий шаҳарда барпо этилган йирик «СамКўчавто» қўшма корхонасида тезюрар ва шинам автобуслар ҳамда юк машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бундай мисоллар жуда кўп, саксонга яқин сурат жамланган кўргазмада ана шу ўзгартишларнинг бир қисмигина кўрсатилган. Лекин улар миллий қадриятларни тиклаш, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, таълим ва ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида тасаввур беради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бу йил давлатимиз мустақиллиги кунига бағишлаб, барча вилоятларда шундай кўргазмалар ташкил этишни режалаштирмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, эркин мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар асосида фотоальбомлар чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда.

«Шарқ гавҳари — Самарқанд» кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов иштирок этди.

(ЎзА)

Тадбиркорлик — юксалиш гарови

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислоҳотлар якунига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузаси

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун сиз билан мамлакатимизнинг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини муҳокама қилмоқдамиз. Бу йил янги аср арафасида иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган йирик миқёсдаги дастур учун мустаҳкам замин ва пойдевор бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу сабабли ана шу пойдеворни бунёд этишда нималарга эришганимиз ва эришаётганимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, жорий йилга мўлжалланган устувор вазифаларни қай даражада амалга ошира олганимизни баҳолаш, ислоҳотлар йўлида изчил олға ҳаракат қилишимизга нималар халақит бериб, нималар тўсқинлик қилаётгани ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олиш катта аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун ўз фаолиятимизга холисона ва ошкора баҳо беришимиз, ижобий силжишларни эътироф этиш билан бирга, энг муҳими, ишимиздаги заиф ва оқсоқ жойларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини белгилаб олишимиз зарур.

Мен бугунги мажлиснинг асосий маъноси ҳамда вазифаси мана шунда деб биламан.

Агар шу нуқтаи назардан ярим йиллик натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, мен, **аввало, жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг амалдаги барча соҳаларининг изчил ривожланишини таъминлаш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди, деб айтган бўлардим.**

Ярим йиллик мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,8 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 6,8 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари — 2,4 фоизга ошди.

Жорий йилда кимё ва нефткимё саноати, машинасозлик ва металларга ишлов бериш, енгил саноат, озиқ-овқат, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати каби тармоқлар изчил суръатлар билан ривожланди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 9,6 фоизга ошди. Газ қазиб олиш, бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ, енгил машиналар, лифтлар, фосфат ўғитлар, бир қатор истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди.

Ярим йиллик мобайнида қўлга киритилган ижобий ютуқлар сифатида молия ва пул-кредит тизимининг янада мустаҳкамланганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Солиқ ва пул муомаласини тартибга солиш сиёсати соҳасида кўрилган қатъий чоралар натижасида биз давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз камомад билан тўлдиришга муваффақ бўлдик. Бу мўлжал қилинган кўрсаткичлардан анча пастдир.

Пул-кредит сиёсати соҳасида пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизм ишлаб чиқилди ва у инфляцияни жиловлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилди.

Биринчи ярим йиллик давомида ўртача ойлик инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди, эмиссион натижалар бўйича 3,4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Кўп вақтдан буён Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкалари ойига 3 фоиз миқдорида барқарор бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини кенгайтириш ва умумий кредит ресурслари ҳажмида уларнинг улушини 55,2 фоизга ошириш имконини берди.

Иккинчидан, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани жорий йилда йилнинг энг устувор вазифаси — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун реал шароит яратди. Халқимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масаласи эса, ўзингизга яхши маълумки, ислоҳотлар жараёнининг асосий тамойилини, керак бўлса, маъно-моҳиятини ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли сонига нисбатан тез суръатлар билан ўсиши туфайли одамларнинг турмуш даражасини изчил ва барқарор равишда оширишга имкон туғилди. Иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар ҳам бунга амал қилмоқда.

Куни кеча 1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақаларни 1,4 баробар ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди. Агар январь ойидаги иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу тахмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўпдир. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидириб топилди.

Аҳолининг ночор табақалари — кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз нафақадорларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ бориб етишига катта аҳамият берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий замин ва самарали механизм яратилди. **Ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзаги бўлмиш оилага қаратилгани унинг асосий хусусиятидир.**

Ўтган олти ой давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қарийб 19 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган бир миллиондан ортиқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва икки ёшга тўлмаган гўдакларни тарбия қилаётган, 540 минг ишламайдиган она давлатдан ёрдам пули олмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастури изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда. Республика, вилоят ва туманлар миқёсида жадал тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ривожланиб бормоқда.

Тиббий хизматнинг амбулатория-поликлиника ва бошқа кундузги шаклларда медицина ёрдами кенгаймоқда. Бу соҳада хусусий тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1300 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари мавжуд ва 3000 дан ортиқ врач хусусий тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида оналар ва чақалоқлар ўлими, бир қатор ўткир инфекцион касалликлар камайиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар тизимида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини, биринчи галда, қишлоқ аҳлини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир аҳоли манзилини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни кўзда тутадиган махсус дастур қабул қилинган.

Фақат ўтган ярим йиллик мобайнида 900 километр атрофида водопровод ва 2 минг километрдан зиёд газ қувури тармоқлари ишга туширилди. Бу рақам қишлоқ жойларда тегишли тарзда 850 ва 1950 километрни ташкил этади. Эътибор қилган бўлсангиз, барча водопровод ва газ қувури тармоқларининг 95 фоизи айнан қишлоқ жойларда ётқизилди.

Шу билан бирга, водопровод ва газ қувурлари ётқизиш бўйича мўлжалланган дастурнинг атиги 47 фоиз даражасида бажарилганини таассуф билан қайд этиш лозим. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимликлари, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга масъул бўлган бошқа вазирлик ҳамда идоралар йил охирига қадар йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш, водопровод ва газ қувурлари ётқизиш бўйича белгиланган топшириқларни сўзсиз адо этиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўришлари шарт.

Учинчи. Жорий йилда ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича яна бир дадил қадам қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Қонун ҳақ, ҳоким ҳам...»

Вилоят прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 15 июнь сонида чоп этилган «Қонун ҳақ, ҳоким ҳам...» сарлавҳали мақола текширилди.

Текширишда мазкур мақолада зикр этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди ва шу боисдан вилоят хўжалик судига «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси фойдасига божхона бошқармасидан етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Қашқадарё вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси К. ҒАНИБОЕВ

Дил изҳори

Ҳурматли таҳририят!

Хатимизни сизга Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидаги собиқ «зек»лар ёзишмоқда. Собиқ дейишимизга сабаб «Ўзбекистон овози» газетаси бизга мадад қўлини чўзиб, дардимизга қулоқ солмаганда чин маънода айбдор бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмасди. Гап шундаки, ҳар биримизни тўрт йилдан етти йилгача қамаш ҳақида ҳукм чиқарилганди. Ноҳақдан. Афсуски, ўша пайтда бизни эшитадиган, тинглайдиган одам теварагимизда топилмади.

Газетангизда «Раҳбарнинг гўри — жамоанинг шўри» сарлавҳаси остида бизнинг шикоят хатимиз эълон қилингач, воқеа ўзгарди, ҳамма ҳаракатга тушиб қолди. Мустақиллигимиз шарофати ва шахсан муҳтарам Президентимизнинг матбуотга тўртинчи ҳокимият мақоми берилиши йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ адолат қарор топиб, фарзандларимиз бағрига қайтиб келдик.

Шу муносабат билан таҳририятга миннатдорчилик билдирамиз. Қаламларингиз ўткир бўлиб, халқ айтгани ҳақ бўлиши ҳақида тинмай ёзаверсин. Албатта, келаси йил учун севимли газетага сўзсиз обуна бўламиз. Ҳалоскоримиз бўлган нашрга ёзилмай бўладими?

38 фарзанднинг оталари, деҳқонлар:
Ҳ. Турсунов, Ф.Ҳакимов, Р.Жўраев, К.Исоқов, Ҳ.Мадумаров, А.Ваҳобов, Ё.Боборахимов, Ғ.Машрапов, И.Сўпиев.

Тадбиркорлик — юксалиш гарови

(Давоми. Боши 1-бетда)

25 июлгача бўлган маълумотга кўра, мамлакатимиз деҳқонлари 3,6 миллион тонна ғалла маҳсулотини йиғиб-териб олдилар. Давлатга 2,2 миллион тоннадан зиёд ғалла топширилди, яъни белгиланган марралар шараф билан бажарилди.

Бу, энг аввало, мамлакатимиз аҳлини озиқ-овқат билан таъминлаётган ғаллакорларимиз, барча деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Бугун мана шу минбардан туриб, ғаллакор — деҳқонларимизга фидойи меҳнатлари учун таъзим қилишни ўз бурчим деб биламан.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган бундай ютуқлар қишлоқ ҳаётини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларимизнинг ижобий натижасидир десак, асло хато бўлмайди. Бугун барчамиз иқтисодий ва аграр соҳадаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, ширкатларни шакллантириш, қишлоқда оила пудрати ва мулк пайларини жорий этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, бир сўз билан айтганда, **хўжайинлик, эгалик туйғусини қайта тиклаш** биз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз.

Бу — моҳият-эътиборига кўра, бугун ўзимиз учун чиқаришимиз керак бўлган энг муҳим хулосадир.

Мен шуни таъкидлашни истардимки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бу шунчаки бир мақсад эмас. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини ва самарадорликни оширишдир, деҳқонларнинг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан ўзгартиришдир.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ қилиш, ҳақиқий мулк эгалари синфини шакллантириш жараёни тезлашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, 502 жамоа хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ширкатларига айлантирилгани бунинг яққол далилидир.

Қишлоқда мулк эгаларини шакллантириш сезиларли даражада оила пудратини шакллантириш, боғ ва токзорларни узоқ муддатга ижарага бериш эвазига таъминланмоқда. Ғалла экиладиган майдонларнинг 95 фоизидан ортиғи, пахтазорларнинг эса 87 фоизидан оила пудрати шароитида ҳосил олинмоқда. Хўжаликларда сарф-харажатларни чек усулида ҳисоб-китоб қилиш тажрибаси кенг жорий этилмоқда. 54 минг гектарга яқин боғлар, 28 минг гектардан зиёд токзорлар узоқ муддатли ижарага берилган.

Қишлоқларда 28,5 минг фермер хўжалиги тузилиб, уларга 580 минг гектардан ортиқ ҳосилдор ер ажратиб берилди. 984 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари ёки бундай хўжаликларнинг 30 фоизи қайта рўйхатдан ўтказилди.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш натижасида 158 минг нафар киши қишлоқ хўжалиги ишларидан озод этилди.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи ўрни ва ҳал қилувчи аҳамиятини инобатга олиб, бу соҳага давлатимиз томонидан ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Биргина мисол: 1998 йил якунлари бўйича паст самарали ва зарар кўрган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларидан кечиб юборилди.

Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш мақсадида Молия вазирлиги қошида махсус Жамғарма ташкил этилди. Мазкур Жамғарма томонидан ўтган ярим йилнинг ўзидаёқ пахта ва ғалла етиштирувчи хўжаликларга 64 миллиард сўм миқдорида, шу жумладан, пахта хомашёси сотиб олиш учун 37,7 миллиард сўм, ғалла сотиб олиш учун 24 миллиард сўм, шоли сотиб олиш учун эса 2,4 миллиард сўм миқдорида аванс берилди. Бу хўжаликларнинг қишлоққа етказиб берилган ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси учун аванс тўловларини таъминлабгина қолмасдан, хўжаликларнинг уларга хизмат кўрсатадиган бошқа корхоналардан қарзларини қисқартириш имконини ҳам берди ва қишлоқ хўжалигида ишловчиларга меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш учун 12 миллиард сўм миқдоридаги маблағни йўналтиришга шароит яратди.

Қишлоқда хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ишда, аввало, уларни санация қилиш ижобий натижа бермоқда. 1998 йили 104 хўжалик, бу йил эса 150 дан ортиқ хўжалик санацияга тортилган эди. Деҳқончиликда янги технологик хариталарни жорий этиш, ҳисоб-китоб ишларини пухта йўлга қўйиш, ташқи бошқарувчиларни тайинлаш ва бошқарувни тубдан такомиллаштириш ҳисобига санацияга тортилган хўжаликларнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Санацияга тортилган хўжаликлар билан ишлаш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда хўжаликни юқори малакали, масъулиятли раҳбарлар бошқарса, ҳисоб-китоб ишлари аниқ ва пухта олиб борилса, бепарволик ва боқимандаликка йўл қўйилмаса, ўша ерда ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари юқори бўлаверади. **Бугунги кунда мана шу омил қишлоқ хўжалигидаги аҳволни яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Сизларнинг эътиборингизни яна хўжаликлар, тайёрловчилар ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини тузиш ва уларни бажариш борасидаги ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканига қаратмоқчиман.

Вазирлар Маҳкамасининг агросаноат комплекси Адлия вазирлиги билан биргаликда **жуда қисқа муддатда шартнома муносабатларини яхшилаш, раҳбарларга нисбатан шартномалар тузиш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш юзасидан қатъий тартиб ўрнатиш** борасида талабчанликни оширишга қаратилган амалий тадбирларни ишлаб чиқиши ва ҳаётга жорий этиши лозим.

Шунга эришиш керакки, шартнома мажбуриятларини бузиш тўғрисидаги ҳар бир аниқланган факт атрофлича муҳокама қилиниши, бунга йўл қўйган раҳбар ёки шахслар эса амалдаги қонунга биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, туман ҳокимликларининг фермер хўжаликларини ривожлантириш ва деҳқон хўжаликларини шакллантириш борасидаги ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Хўжаликлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатларни, шартнома муносабатларини тўғри йўлга қўйиш бўйича аниқ механизм ишлаб чиқилмаган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини кичик техника воситалари ва ўғитлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Ҳозиргача нефть маҳсулотларини, ёнилғи-мойлаш материалларини товар ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериш қоидалари ишлаб чиқилмаган.

Энг муҳими — етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган кенг воситачи тизимлар тармоғини яратиш бўйича берилган топшириқ бажарилмаяпти. Қишлоқ аҳолиси ўртасида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликларининг афзалликларини тушунтириш ишлари ёмон аҳволда.

Акс ҳолда, бугун рўйхатдан ўтган 1 миллионга яқин деҳқон хўжаликларидан атиги 4,5 мингтаси, яъни 0,5 фоизи юридик шахс низомини олганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Тўртинчи. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурий чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Ярим йил мобайнида 221 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағлар, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳалар бўйича 58 миллиард сўм атрофида капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 1,6 марта ўсди. Ялпи капитал маблағларнинг 26 фоизи хорижий инвесторлар зиммасига тушмоқда.

Ярим йил мобайнида ялпи инвестицияларнинг қарийб 60 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этилдики, бу шаҳар автобуслари ва енгил юк машиналари ишлаб чиқарадиган "Сам-Кўчавто" қўшма корхонасини, Хўжаобод ерости газ омборини, "Папфен" ип йигирув қўшма корхонасини ишга туширишга имконини берди. Хоразм вилоятида қурилган "Даритал" қўшма корхонасида эркаклар учун пойабзал, Тошкент вилоятида гранит плиталар ишлаб чиқарила бошланди.

Ангрен шаҳрида каолинни бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. "Косонсой-Текмен" қўшма корхонасида жун газламалар, Фарғона кимёвий тола заводида полиамид, "ЎзСамсунг Электроник", "СМГ-Оникс", "Восток-Оникс" қўшма корхоналарида мураккаб маиший электрон техникалар, сув ва газ ўлчагичлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шўртан газ-кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар тайёрловчи заводлар, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент- Андижон-Ўш-Иркиштом автомобиль йўли ва шунга ўхшаган қатор стратегик объектлар қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Бешинчи. 1999 йилнинг устувор йўналишларидан бири — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда муайян силжишлар рўй берди.

Давлат таълим андозалари бўйича 348 та лойиҳа, ўрта профессионал таълим бўйича 704 та мутахассисликка оид, 350 та янги ўқув режалари ва дастурлари тайёрланди. 1999 йилда ташкил этилаётган 14 та академик лицей ва 103 та касб-ҳунар коллежларини кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2,6 минг инженер-педагог кадрлар қайта тайёрлашдан ўтказилди.

Таъмирланадиган ва янги қуриладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг аниқ рўйхати тузилди. Қурилажак барча объектларни тендер асосида лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилиб, экспертлар назаридан ўтказилди. Кенг кўламда пудрат савдоси амалга оширилди. 1999 йилда ишга туширишга режалаштирилган 115 та объектнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари деярли ниҳоясига етказилмоқда.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилиши учун ажратилган капитал маблағларнинг йиллик ҳажми мамлакат бўйича 48,6 фоизга, жумладан, Сурхондарё вилоятида атиги 37,3 фоизга, Навоий ва Наманган вилоятларида 38,5 фоизга, Қашқадарё вилоятида эса 42,7 фоизга ўзлаштирилгани бизни ташвишлантирмай қолмайди.

Ижтимоий мажмуа (Ҳ.Кароматов), қурилиш ва саноат материаллари мажмуи (А.Исаев) раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туман ҳокимлари 1999 йилда қуриб ишга туширишга мўлжалланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилишини ниҳоясига етказиш, уларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича шошилинч чоралар кўришлари керак.

* * *

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилга мўлжалланган устувор дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли ҳал этилмаяпти. Муаммолар, нуқсонлар ҳали жуда кўп.

Гап нима ҳақда кетмоқда?

Аввало, шуни айтмоқчиманки, бу йилга **мўлжалланган давлат мулкини хусусийлаштириш ва бу жараёнга чет эл инвесторларини жалб этиш суръатлари бизни қониқтирмаяпти. Ўта муҳим бу ишда изчиллик етишмаяпти.**

Бу ҳақда Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг махсус мажлисида ҳам гапирилган, Давлат мулки қўмитаси, хусусийлаштириш бўйича бошқа жавобгар тузилмалар шаънига танқидий фикрлар билдирилган эди.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тендер савдолари ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Ўз таркибига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамда 23 та иккинчи даражали мустақил тижорат депозитарийларини олган қўш босқичли депозитарий тизими ташкил этилди. Корхона акцияларини ишлаб чиқариш ва жойлаштиришга ихтисослашган, давлат активларини тендер ва танлов асосида сотишни ташкил этувчи, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда сансалорлик, тўрачилик иллатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш асосий вазифаси бўлган "Давинком" инвестиция фирмаси ташкил этилди.

Корхона акцияларини тайёрлаш ва сотиш жараёнига чет эл молия маслаҳатчилари ва экспертлари, жумладан, халқаро молия институтлари кенг жалб этилмоқда. Бу иш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Йилнинг биринчи ярмида 263 та объект хусусийлаштирилди. Фонд бозорида корхоналарнинг 1,5 миллиард сўмдан ортиқ акцияси сотилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган ялпи тушум 2,7 миллиард сўмни ташкил этди. Акция пакетларини реализация қилишга мўлжалланган махсус республика Фонд биржасида умумий акция ҳажми 158,7 миллион долларни ташкил этувчи 116 та ҳиссадорлик жамияти тайёрланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Давлат мулки қўмитаси ва унинг таркибий қисмларида, вазирлик ва идораларда, ассоциация ва хўжалик бирлашмаларида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Хусусийлаштиришгача бўладиган жараёнлар жуда чўзилиб кетмоқда. Акцияларга харидор бўлиши мумкин бўлган чет эл инвесторларини излаб топишда хўжалик бирлашмаларининг саъй-ҳаракатлари мутлақо сезилмаяпти. "Ўзбекмебель", "Ўзгўлтсутсаноат", "Ўзбекипаги", "Ўзмашсаноат", "Ўзэлтехсаноат" ва бошқа ассоциацияларнинг чет эл инвесторларини етарли даражада жалб эта олмаганликлари сабабли, мазкур корхоналарнинг акция пакетлари чет эл инвесторларига сотилмаяпти.

"Ўзмашсаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзавтосаноат" ва бошқа ассоциация ва корхоналарнинг биржа бозорида суст ҳаракат қилаётганлари оқибатида акцияларни реализация қилиш белгиланган ҳажмининг атиги 10 фоизини ташкил этмоқда. Идораларо ишчи гуруҳи, республика Кўчмас мулк биржаси, Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги, банклар ва бошқа идораларнинг фаоллигини кескин ошириш зарур.

2. **Кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги ишлар ҳам бизни қониқтирмайди.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари бугунги кун талабига жавоб бермаяпти. Мазкур соҳаларга бор-йўғи 400 минг киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 5 фоизигина жалб этилган. Ишсизлик муаммосини ҳал этишда, хусусан, қишлоқ жойларида бу масалани ечишда кичик бизнес ҳал қилувчи омилга айланмаяпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш **қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам иқтисодий-сиёсий ислоҳотларнинг муваффақиятига гаров бўлиши лозим.** Афсуски, бу соҳадаги ишларимиз умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Қабул қилинган қонунлар, фармонлар ҳамда тадбиркорларни рағбатлантириш, уларга зарур шарт-шароит яратиш ва давлат йўли билан ёрдам бериш тўғрисидаги қарорлар қониқарсиз бажарилмоқда.

Тадбиркорлар моддий ресурслардан, ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорлардан кенг ва тенг равишда фойдалана олмаётирлар. Маҳаллий ҳокимият органлари уларга тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Ярим йил ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони фақат Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Наманган вилоятларида ва айниқса, Сирдарё вилоятида сезиларли даражада ортди. Айни пайтда, умуман, республика бўйича рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналар сони амалда кўпаймаяпти.

Статистика органлари маълумотларининг кўрсатишича, рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳар тўрттасидан бири ўтган ярим йиллик давомида ишламаган. Бундай корхоналар улуши Қорақалпоғистон Республикасида (52 фоиз), Самарқанд (37,6 фоиз), Навоий (33,7 фоиз), Хоразм (30,3 фоиз), Андижон (21,6 фоиз), Наманган (19,3 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (29,5 фоиз), айниқса, юқори даражададир.

Бу соҳада Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳам кўнгилдагидек ишламаяпти. Унинг фаолиятида тўрачилик ва расмиятчилик иллатлари тугатилмаган. Палата кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун инвестицияларни жалб этиш, кучли бошқарувчилар — ҳақиқий бизнесменлар тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни ҳам тўла бажармаяпти.

Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан очилган кредит линиялари бўйича тадбиркорлар орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. **Тижорат банклари** ва **Марказий банк** томонидан йўл қўйилаётган тўрачилик, сансалорлик ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

Мазкур банклар уларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа — ишбилармон ва тадбиркорларга, аввалламбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини ечишдан ҳали-бери олис ва ожиздир.

Содда қилиб айтганда, банклар амалда оддий тўлов операцияларини бажарувчи идоралар, ўз маблағларини тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига инвестиция қилишдан манфаатдор ҳақиқий сармоядор идорага айланиши даркор.

Лойиҳаларни молиялаштириш, тадбиркорларга юридик ва аудиторлик хизмати кўрсатиш бўйича малакали мутахассислар, айниқса, қишлоқ жойларда етишмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси учун Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши (Ў. Султонов), Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда биринчи навбатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча даражадаги ҳокимликлар жавоб бериши керак.

3. **1999 йил учун қабул қилинган республика инвестиция дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг аҳволи яхши эмас.** Биринчи ярим йилликда маблағ билан таъминланган барча манбалар ҳисобидан йиллик капитал маблағ сарфлаш ҳажмининг атиги 32 фоизи ўзлаштирилган.

Марказлаштирилган инвестициялар ва ҳукумат кафолатидаги кредитлар ҳисобидан қурилишларнинг аниқ дастурига киритилган 108 иншоотдан 82 тасида иш бошланмаган. Бевосита хорижий инвестициялар ва кредитлар бўйича амалда ўзлаштирилган маблағ салкам 20 фоизни ташкил этди.

Қолоқликка йўл қўйган буюртмачи вазирликлар ва идоралар орасида "Ўзпаррандасаноат", "Оби ҳаёт" республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Кўмир" ҳиссадорлик жамияти, "Ўзавтосаноат", "Ўзкимёсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзавтотранс", "Ўзмойтамакисаноат", Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳокимиятлари ва бошқалар бор.

Баъзи вазирликлар, идоралар ва корхоналар 1998 йилга тасдиқланган инвестиция дастури, айниқса, унинг бевосита хорижий инвестицияларини ўзлаштириш қисмининг бажарилмаганлик сабабларини кўриб чиқиш натижаларидан айрим раҳбарлар ўзлари учун етарли хулоса чиқармаганга ўхшайдилар.

Вазирлар Маҳкамаси инвестиция дастурлари департаменти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда (Б.Ҳамидов, А.Исаев) ярим йиллик якунлари бўйича инвестиция дастурига киритилган барча лойиҳалар ҳамда улар орасидан молиялаштириш манбалари аниқланмаган ёки техник-иқтисодий асослари тасдиқланмаган лойиҳалар бўйича батафсил инвентаризация ўтказишлари зарур.

Бу лойиҳаларни инвестиция дастуридан чиқариш ва бўшаб қолган марказлаштирилган инвестицияларни устувор иншоотларга, аввало коллежлар ва лицейлар қурилишига қайта тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишлари лозим.

Инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом қисқа муддатда қайта кўриб чиқилсин, унга техник-иқтисодий асослари тасдиқланган ҳамда молиялашнинг аниқ манбалари билан таъминланган лойиҳаларнигина киритиш кўзда тутилсин. Бу ишларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябргача ахборот берилсин.

4. **Ташқи иқтисодий фаолиятимиз алоҳида эътибор беришни талаб қилади.** Биринчи ярим йилликда ташқи савдода 105 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилганига қарамай, экспорт ҳажмининг камайиши каби салбий жараён давом этмоқда. Ўтган йилга нисбатан экспорт 15 фоиз камайди.

Бу биринчи ярим йиллик якунлари бўйича кўзда тутилган экспорт кўрсаткичи 81 фоизга, жумладан, марказлаштирилган экспорт ҳажми 90,5 фоизга, марказлаштирилмаган экспорт ҳажми эса атиги 73 фоизга бажарилганининг оқибатидир.

"Ўзбекенгилсаноат", Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, "Ўзбекўризм", "Ўзбекипаги", "Ўзбекмебель", "Ўзбекбирлашув" каби тузилмаларнинг маҳсулотни экспорт қилиш бўйича ижобий ишларини таъкидлаш лозим.

Айни пайтда экспорт имкониятига эга бўлган бир қанча идоралар ва хўжалик бирлашмалари экспорт борасидаги кўрсаткичлар бажарилишини таъминлашда қолоқликка йўл қўйди. "Ўзмашсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзавтосаноат", "Ўзметкомбинат", "Махсус қотишма" республика бирлашмаси, "Кўмир" ҳиссадорлик жамияти, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзфармсаноат", "Ўзавтотранс" ва бир қатор қўшма корхоналар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айрим корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар ишида боқимандалик кайфияти мавжудлиги, валюта ресурсларини ўзи ишлаб топишга интилишнинг йўқлиги ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Султонов), экспорт бўйича махсус комиссия тегишли тузилмалар билан биргаликда шу фактларга тегишли баҳо беришлари лозим. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида 1 сентябргача ахборот берилсин.

5. **Тўлов интизомини мустаҳкамлаш муаммосини тубдан ҳал қила олмаганимизни ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бозор иқтисодиётига хос маърифий тизимини йўлга қўя олмаганимизни тан олиш керак.**

Корхоналарнинг ўзаро қарзларини, бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзларини камайтириш юзасидан қарзларни кечиб юбориш ва тўлаш муддатини кечиктириш, аниқ мақсадларга қаратилган кредит бериш ва ҳатто ашаддий қоидабузарларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишгача ғоят хилма-хил чора-тадбирлар бутун йил давомида амалга оширилди.

Биринчи ярим йилликда прокуратура органлари маблағни дебиторлик қарзларига ўтказганлик учун 295 та хўжалик юритувчи субъект материаллари бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатди. 404 нафар корхона раҳбари интизомий жавобгарликка тортилди, ташкилотларнинг 2,5 минг раҳбарига нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Солиқ органлари 8 мингдан ортиқ мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортди ва улардан 69,7 миллион сўм миқдорида жарима ундирди. Албатта, булар жуда қаттиқ жазо чоралари, лекин биз шундай қилишга мажбурмиз. **Акс ҳолда бу аҳвол иқтисодиётнинг бутунлай издан чиқишига, бутун молия ва пул-кредит тизими барбод бўлишига, натура айирбош қилиш ва бартер операцияларига ўтишга олиб келиши мумкин.**

Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг энг кўп миқдори (96,5 фоиз) бир-бири билан узвий боғлиқ 7 вазирлик ва идора — "Ўзбекнефтгаз", Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир" ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳиссасига тўғри келади.

Ярим йилда бюджетга тўловлар бўйича қарзлар 1 июлга қадар 89,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Бюджет олдидаги асосий қарздорлар — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзсувқурилиш", "Ўзбекенгилсаноат", Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзкимёсаноат" ва бошқалардир.

Муддати ўтган тўловларнинг мавжудлиги бир қанча корхоналарнинг молиявий аҳволи ғоят қониқарсиз эканлигидан, ўз айланма маблағлари сақланишини таъминлашга доир иш яхши ташкил этилмаганидан, рақобатга бардош бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши давом этаётганидан, ишлаб чиқаришни бошқариш яхши ташкил этилмаётганидан далолат беради.

Муддати ўтган қарзлар ва кредитларнинг қайтарилмаслиги масалаларини тубдан ҳал қилиш зарур. Ва бу масалаларни ечиш мақсадида бугун тегишли чоралар кўрилмоқда.

6. Биз иқтисодий жиҳатдан ночор, зарар келтирувчи корхоналарга қарши изчиллик билан муросасиз кураш олиб боришимиз лозим.

Афсуски, Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ва Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита ҳамда Олий хўжалик суди банкрот корхоналарга нисбатан муроса қилиб келмоқда. Мен буларнинг ишидан мутлақо қониқмаяпман. Давлат улуши бўлган 312 корхонада йил бошида инвентаризация натижалари бўйича банкротлик аломатлари аниқланган бўлиб, ҳукумат комиссиясига шундан 142 тасини тугатиш тавсия қилинган эди. Ярим йил ичида шундан атиги 29 таси банкрот деб эълон қилинди ва фақатгина 3 таси тугатилди.

Судларда банкрот деб эътироф этилган корхоналарни тугатиш жараёни ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда. Масалан, 1998 йилда банкрот деб эълон қилинган 436 корхонадан бор-йўғи 177 таси тугатилди, 1999 йилнинг биринчи ярмида эса банкротга учраган 410 корхонадан атиги 93 таси тугатилди.

Банкротлик тўғрисидаги амалдаги қонунларни, хусусан, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунни қайта кўриб чиқиш, унда иқтисодий ночор корхоналарга қўйиладиган талабларни кучайтириш, тугатиш муддатларини қисқартириш, пировард натижалари учун хўжалик судлари ва тугатиш комиссиялари масъулиятини ошириш юзасидан ўзгартишлар киритиш зарур.

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитанинг ишини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундириб, профессионал, билимли, ташаббускор, қатъиятли ва талабчан кадрлар билан мустаҳкамлаш лозим.

Муҳтарам кенгаш иштирокчилари!

Ўтган даврда амалга оширилган ишларга танқидий назар ташлаб, шу даврда иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига салбий таъсир қилган объектив сабаблар ва қийинчиликларни рўкач этиш мумкин, албатта.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Россия ҳамда атрофимиздаги бошқа давлатларда рўй бераётган иқтисодий инқирозни ҳам бунга баҳона қилиб кўрсатиш мумкин.

Қимматбаҳо ва рангли металларни, пахта, кимёвий ўғитлар ҳамда экспорт қилиш айрим ҳолларда фойда келтирмаётган бошқа маҳсулотларга жаҳон бозоридаги нархнинг пасайгани ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Аммо асосий сабаб, мен буни қайта-қайта такрорлайман, бизнинг ўзимиздадир. Кўпгина корхоналар ва ҳатто бутун бошли тармоқлар бундай аҳволга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Улар вазиятни ўз вақтида холисона баҳолаб, олдиндан зарур чораларни кўра олмадилар. Биринчи навбатда ҳамкорларни, аввало, хорижий ҳамкорларни излаш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва такомиллаштириш, корхоналарни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, ўз экспорт салоҳиятини ошириш, бўлажак харидорларни излаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга келгусидаги буюртмаларни ўз вақтида тўплаш билан шуғулланмоқ керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўп корхоналарнинг энг асосий нуқсони, фожиаси шундаки, талай корхоналаримиз аввалгидек, ҳозир ҳам жаҳон бозори у ёқда турсин, ички бозорда ҳам сотилмайдиган касод маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда.

Бундай ҳол биринчи галда ўтмишдан қолган асоратдир. Эски тизим биз нимани ишлаб чиқарсак ҳам, ҳамиша харидор топилишига ўргатиб қўйган эди. Агар харидор маҳсулотни олишни хоҳламаса, марказдаги ва жойлардаги ҳокимият олишга мажбур қиларди.

Ҳар бир корхона аслини олганда ўз маҳсулоти бозорида монополиячи бўлиб, айтгани айтган, дегани деган бўлгани олдинги тизимнинг яна бир иллати эди. Афсуски, бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Ярим йил ичида монополиячи корхоналар сони камаймадигина эмас, балки кўпайди ва ҳозир улар 711 тага етди. Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг икки мингдан ортиқ тури монополия ҳисобланади.

Бу ерда гап табиий монополиялар тўғрисида бораётгани йўқ. Бундай монополиялар бўйича Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига зарур тузатишлар киритилиши кутилмоқда.

Истеъмол моллари, масалан, чой, гугурт, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, улгуржи савдо ташкилотлари ва ҳатто аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам монополиячидир. **Бозор иқтисодиёти ривожланишини, мана, кимлар исканжага олиб, тўсқинлик қилмоқда. Тараққиётнинг, ишлаб чиқаришни янгилашнинг, умуман, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши лозим бўлган рақобат қаерда?**

Биз кундалик ишларимизда ислоҳотларга пассив қарама-қаршиликнинг ўзига хос шаклига дуч келяпмиз. Бу қотиб қолган эски андозаларни, мавжуд бошқарув тизимини, хўжалик юритиш механизмларини ўзгартиришни хоҳламасликда кўринмоқда.

Фикримни тасдиқлаш учун кўп мисолларни келтиришим мумкин. Капитал қурилишдаги қарама-қарши туришни ўзгартириш, ҳеч кимга кераги бўлмаган "Ўзсаноатхўжаликқурилиш", "Ўзагроқурилиш", "Ўзколхозқурилиш" ва бошқаларни тугатиш, йиллар давомида таркиб топган тизимни бузиб ташлаш, пудрат ишлари бозорини барпо этиш, буюртмаларни тендер шартлари билан жойлаштириш учун қанчалик куч сарфлаганимизни эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам худди шу сабабга кўра, уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотлар оқсамоқда.

Ҳар сафар гапиришга тўғри келаётган оддий бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши тушуниб олишимиз лозим. **Ҳозир эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмайди.**

Вақт шиддат билан тўхтовсиз олга бормоқда, уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Ҳаёт ўзгармоқда, шароит ўзгармоқда, бозор иқтисодиётига, демократик янгиланишларга ва биринчи навбатда раҳбарларга ҳамда бошқарув ходимларига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда.

Гап бизнинг профессионал савиямиз ҳақида бормоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларни, ўзимиз яшаётган жамиятни янгилашни тушуниб етишимиз тўғрисида бормоқда. Гап фуқаролик мавқеимиз тўғрисида, ниҳоят, халқ ва жамият олдидаги бурчимиз ҳақида бормоқда.

* * *

Азиз дўстлар!

Айтилган гапларни умумлаштириб, эътиборингизни қуйидаги масалаларга қаратм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

1999 йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишини баҳолаш тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1999 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича изчил ўтказилаётган сиёсат натижасида:

жамиятимизни ислоҳ қилиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, мамлакатимиз аниқ иқтисодиётининг барча тармоқларини барқарор ривожлантиришни таъминлаш йўлида муҳим қадам қўйилди. Ялпи ички маҳсулот 3,8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги бўйича – 6,8 фоизга, пудрат қурилиши фаолияти бўйича – 2,4 фоизга кўпайди. Утган даврда инфляция даражаси 12 фоиздан ошмади, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайди, республика аҳолиси турмуш даражасини ошириш таъминланди;

республиканинг дон мустақиллиги мустаҳкамланди, қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинмоқда. 502 жамоа хўжалиги ширкат хўжаликларига айлантирилди, натижада қишлоқ хўжалигидан 158 минг киши бўшади. Хўжаликларнинг молиявий аҳволи, энг аввало уларни санациялаш ҳисобига мустаҳкамланди;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 221 млрд сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 бараварга ошди;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ижобий силжишларга эришилди.

Айни бир вақтда давлат мулкини хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш ва хорижий инвесторларни ушбу жараёнга жалб этиш суръатлари, кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги ишларнинг аҳволи қониқтирмайди.

1999 йил учун қабул қилинган республика инвестиция дастури тўлиқ бажарилмаяпти, экспорт ҳажми пасайишининг салбий тенденцияси давом этмоқда.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш муаммосини тубдан ҳал қилишга, бозор иқтисодиётига хос бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйишга эришилмади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдаги муҳокамани ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг I ярим йиллигида ҳududларни ривожлантириш якунларини кўриб чиқсинлар, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва Ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини Узбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаси талаблари асосида танқидий таҳлил қилсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси (Олимжонов) Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" давлат корпорацияси, "Ўздавпахтасаноатсотиш", "Ўзкимёсаноат" уюшмалари, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси, "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси билан биргаликда бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар, тайёрлов ташкилотлари ўртасида, шунингдек хўжаликлар ва оилавий пудратчилар ўртасида шартномаларни ишлаб чиқиш, тузиш ва бажариш амалиётини таҳлил қилсин, шартномавий мажбуриятлар бузилишининг ҳар бир ҳолини пухта кўриб чиқсин, айбдор шахсларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин;

шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, шартномалар тузиш тартибига ва ўз зиммасига олган мажбуриятларга аниқ риоя қилиш юзасидан раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси, "Ўзагрокимётаъминот" бирлашмаси, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари деҳқон ва фермер хўжаликларини кичик техника, ёнилғимойлаш материаллари ва ўғитлар билан таъминлаш даражасини ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари йиғиш ва тайёрлаш бўйича воситачилик тузилмаларининг кенг тармоғини ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар. Қилинган ишлар тўғрисида 1999 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Бош вазир ўринбосари Б.М.Олимжонов, Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001-2005 йилларда Ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури лойиҳасини икки ой муддатда киритсинлар.

Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбоновнинг суғориладиган ерлар тупроқ хариталарига тузатишлар киритиш, тупроқ бонитетини аниқлаш ва ерлар қийматини баҳолаш бўйича дала ишлари 1999 йил охиригача якунланиши ҳамда 2000 йил 1 апрелгача Давлат ер кадастри шакллантирилиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

6. Бош вазир Ў.Т.Султонов, Б.М.Олимжонов, Молия вазирлиги (Азимов Р.С.), "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси (Юсупов Н.) қуйидаги масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал қилсинлар:

1999 йил пахта йиғим-терими кампанияси учун "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси томонидан "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компаниясидан "Кейс" пахта териш машиналарини лизинг асосида харид қилиниши учун зарур маблағларни қидириб топиш, бунда Тошкент вилоятига асосий эътиборни қаратсинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарига "Клаас" шоли ўриш-йиғиш комбайнлари етказиб беришни кўпайтириш.

Узбекистон Телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари янги қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш масалаларини ва механизаторлар ишини кенг ёритсинлар.

7. Сурхондарё, Навоий, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларининг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилиши бўйича капитал қўйилмалар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш бўйича қониқарсиз ишлаётганлиги қайд этилсин.

Ижтимоий комплекс (Каромат ов) ва Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари реконструкция қилинаётган ва янгидан қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар 1999/2000 ўқув йилида ўқувчиларни қабул қилиши учун улар қурилишини жадаллаштириш ва уларни шу йил 20 августгача сўзсиз фойдаланишга топшириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар. Қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида шу йил 25 августгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

Молия вазирлиги, Марказий банк касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг капитал қурилиши ва реконструкцияси ўз вақтида молияланишини таъминлаб борсин.

8. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (Ў.Т.Султонов), Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Марказий банк ва тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилишнинг, кичик ва хусусий тадбиркорларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишининг, ўз маҳсулотларини бозорларда сотишининг белгиланган тартиби ва шаклланган амалиётини бир ой муддатда чуқур ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиб чиқиш натижалари бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес фаолиятини фаоллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларининг, жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни зарур даражада қўллаб-қувватлаш уларнинг биринчи навбатдаги вазифалари ҳисоблансин, хусусий тадбиркорларга нисбатан тўрачилик ва сансалорлик, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашиш ҳолларининг қатъий олдини олсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва назорат қилувчи органлар, давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслиги устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинсин. Ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашига ахборот берилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев), Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти, Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк маблағ билан таъминловчи банклар, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

1999 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни батафсил ҳатловдан ўтказсинлар ва маблағ билан таъминлаш манбалари аниқланмаган ва техник-иқтисодий асослари тасдиқланмаган объектларни ундан чиқариб, бўшаган марказлаштирилган инвестицияларни устувор объектлар, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига қайта тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни шу йил 15 августгача Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

инвестиция дастурига фақат техник-иқтисодий асослари тасдиқланган ва маблағ билан таъминлашнинг реал манбалари билан таъминланган лойиҳаларни киритишни назарда тутган ҳолда инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни 10 кун муддатда қайта кўриб чиқсинлар.

Қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида 1999 йил 1 сентябрга ахборот берилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари комплекси ҳузурида қурилишни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усуллари ҳамда илғор қурилиш технологиялари соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш бўйича доимий ишловчи комиссия ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда комиссия таркибини тасдиқласин.

11. Экспорт потенциалини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши (Ў.Т.Султонов), Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳар бир вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси, корхона бўйича экспорт прогнозининг жорий йил I ярим йиллигида бажарилмаганлиги сабабларини пухта таҳлил қилсинлар ва йўл қўйилган қолоқликни тўлдириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 1999 йил 1 сентябргача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

12. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссияси (Ў.Т.Султонов, Ф.М.Муллажонов, Б.С.Ҳамидов) Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари, манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда тўловлар муддати 90 кунгача узайтирилганлиги муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ишлари аҳволининг ўзгаришини икки ҳафта муддатда муфассал ўрганиб чиқсин ва муддати ўтиб кетган қарзлар ва кредитларнинг қайтарилмаслиги билан боғлиқ масалаларни тубдан ҳал қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий хўжалик суди, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси билан биргаликда иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан талабчанликни ошириш, тугатиш даврини қисқартириш, хўжалик судлари ва тугатиш комиссияларининг якуний натижалар учун масъулиятларини ошириш-ни назарда тутган ҳолда, кейинчалик Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессиясига киритиш учун "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида шу йилнинг 1 августигача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

14. Бош вазир Ў.Т.Султонов, Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг раҳбарлари, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси бир ой муддатда монопол корхоналар фаолиятини чуқур таҳлил қилсинлар ҳамда уларнинг монопол мавқеини босқичма-босқич бартараф этиш, бозорда монопол мавқени суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик, рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритсинлар, рақобат тараққиётнинг, ишлаб чиқаришни янгилашнинг, бозор муносабатларини мустаҳкамлашнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолиши керак.

15. Коммунал хўжалик тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга ошириш Республика комиссияси (Ҳамидов Б.С.) Президент Девони назорат инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда коммунал хизмат кўрсатишда ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилсин, бунинг учун махсус комиссия ташкил этсин ҳамда натижалари тўғрисида коммунал хўжаликни ислоҳ қилишни фаоллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,вилоятлар ҳокимликлари Узбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар, қурилиш ташкилотлари билан биргаликда 1999 йилнинг иккинчи ярим йиллигида сув ва газ қувурлари тармоқларини ишга туширишни юзасидан топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича узил-кесил чора-тадбирлар кўрсинлар.

Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 1999 йилнинг тўққиз ойи ва умуман йил якунлари бўйича ахборот берсинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, "Узбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, "Кўмир" акциядорлик бирлашмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги республика халқ хўжалигини 1999/2000 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва шу йил 1 августгача киритсинлар.

"Узбекнефтгаз" компанияси раиси И.А.Зайнутдиновнинг республика истеъмолчилари пахта терими кампанияси даврида ва умуман жорий йилнинг куз-қиш даврида ёнилғимойлаш материаллари билан узлуксиз таъминланиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

18. Бош вазир ўринбосари Б.С.Ҳамидов, Молия вазирлиги (Азимов Р.С.), Марказий банк (Муллажонов Ф.М.) "Узбекнефтгаз" компанияси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан биргаликда табиий газ учун ҳисоб-китоблар тизимини кўриб чиқсинлар ва уни такомиллаштириш, шу жумладан газни «Узбекнефтгаз» компаниясидан Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш ва улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар юзасидан 10 кун муддатда таклифлар киритсинлар.

19. Узбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т.Султонов, Б.М.Олимжонов насос станцияларини электр билан таъминлаш ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, бунда улар экинларни суғориш учун сув олиш ва уни йиғиш даврида электр билан узлуксиз таъминланишини назарда тутсинлар.

20. Молия вазирлиги (Азимов Р.С.), Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан биргаликда комбинатни техника билан жиҳозлаш масалаларини кўриб чиқсин ва уларни 2000 йил учун валюта балансини тузишда ҳисобга олсин.

21. Бош вазир Ў.Т.Султонов, Б.С.Ҳамидов санация даврида Узбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Жаҳон аҳли қотиллар кимлигини билиши керак

23 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчихонасида Москвада рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва россиялик журналистлар учун «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмининг намойиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси томонидан ўша фожиали 16 февраль воқеаларига бағишлаб тайёрланган мазкур бир ярим соатлик фильм ташриф буюрганларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдиргани йўқ. Ўша пайтда Тошкент кўчаларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 16 киши ҳалок бўлган, 128 киши эса оғир тан жароҳати олган эди.

Бегуноҳ кишилар нимага қурбон бўлди, ким буни қилган ва қай мақсадда? Буларнинг барчасига батафсил ва тўлиқ жавоб беришда муаллифларга хроника лавҳалари ва далилий ҳужжатлар, шунингдек ушбу ҳаракатларга алоқадор жиноятчилар устидан яқинда Тошкентда якунланган суд жараёни натижалари ёрдам беради. Қотилларнинг ўзлари экран орқали қонуний сайланган мамлакат раҳбариятини жисмонан йўқ қилиш, конституциявий тузумни куч ишлатиш йўли билан ағдариб, ҳокимиятни эгаллаш учун ҳатто ўз ватандошларининг қонини тўкишга ҳам тайёр бўлганликларини таъкидлайдилар.

— Шу кунга қадар мен Тошкентда содир этилган фожиали воқеалар тўғрисида жуда оз маълумотга эга эдим, — деб таъкидлади Сингапур Республикасининг Россиядаги элчиси Марк Хонг Тат Сун фильм намойишидан сўнг, — бу жиҳатдан фильм жуда қизиқарли ва маълумотларга бой. Менинг мамлакатимда бу каби воқеалар бўлмаган, лекин фикримча, давлат бундай ҳаракатларга қарши кескин чоралар кўрмоғи лозим, чунки гап фуқароларнинг хавфсизлиги, уларнинг ҳаёти хусусида кетяпти.

— Афсуски, биз ушбу воқеалар тўғрисида турли оммавий ахборот воситалари орқали узатилган қисқа маълумотларга эга эдик холос, — дейди Қирғизистон Республикасининг элчиси, Москвадаги ЕХҲТ давлатлари дипкорпуси дуайени Акматбек Нанаев. — Мазкур фильм туфайли Тошкентда содир этилган воқеалар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлдик. Кўрганларимиздан терроризмнинг байналмилаллигига ва у бутун жаҳан аҳли томонидан қораланиши кераклигига яна бир карра амин бўламиз.

— Тошкентдаги портлашлар тўғрисидаги биринчи маълумотлардан менга шу нарса аён бўлдики, гап экстремистларнинг давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишлари тўғрисида кетяпти, — деб таъкидлади Венгрия Республикаси элчихонасининг учинчи котиби Ева Шипош. — Фильм жиноятчилик режалари қандай тайёрлангани ва амалга оширилганини батафсил ёритади, унинг аҳамияти ҳам шунда.

Венгрия Ўрта Осиёдан олисда, лекин бу ерда экстремистик кучларга қарши курашиш нақадар муҳимлигини биз тушинамиз.

Айни пайтда қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар тайёрланмоқда. Улар қаторида жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги битим лойиҳаси ҳам бор. Умид қиламизки ушбу ҳужжат албатта имзоланади ва у терроризм ҳамда бошқа хавф солувчи иллатларга қарши курашда мамлакатларимизнинг яқиндан ҳамкорлик қилишларига имкон беради.

Россия стратегик тадқиқотлар институти ходими, машҳур публицист Аждар Куртов бугунги Ўзбекистон, унинг ҳалқи диний экстремизмга хос қоидаларни куч ишлатиш йўли билан ўрнатилишига қарши туришга куч ва имкониятлар топишига умид билдирди.

— Бошқа мамлакатлар, масалан Жазоир тажрибаси шуни кўрсатадики, бу каби сиёсий оқимларга қарши турмаслик янги ва янада кўпроқ қурбонларни юзага чиқариш мумкин. Тошкентда Олий суд томонидан чиқарилган қарор адолатли қарор бўлди. Чунки сиёсий васвасаларга берилиб қон тўккан кишилар жазога лойиқдирлар. Эълон этилган ҳукм ўзбек халқи ва бошқа истаган халқнинг менталитетига мос келади. У Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий нормаларига ҳам тўла мос. Фильмдан шуни тушуниб олдимки, бундай ҳукмни эълон қилишга жиноятчиларнинг айбларини исботлаш учун етарли даллилар йиғилган,— таъкидлайди А. Куртов.

Картина тақдимот тўғрисидаги лавҳалар ва ундан олинган фрагментлар Россиянинг етакчи телеканаллари — ОРТ ва ТВ-6 орқали намойиш этилгани ўзбек теледокументалистларининг фильмига қизиқиш нақадар катталигидан далолат беради.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Москва.

Қуролни ташиб кетиш учун 30 миллион доллар

Америка маъмурияти Россиянинг 14-армиясига қарашли бўлган қурол-яроғлар йиғиндисини Днестр бўйидан олиб чиқиб кетиш учун Молдавияга 30 миллион доллар ажратишни мўлжалламоқда. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра АҚШнинг собиқ совет республикаларига молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги қонунига биноан вакиллар палатаси томонидан ушбу маблағ тасдиқланди. Днестр бўйи омборларида 120 танк, 130 артиллерия қуроллари, 100 бронетранспортёр, 50 минг дона ўқ отиш қуроллари, тахминан ярим миллион тонна қурол-яроғ ва бошқа нарсалар сақланмоқда. Ушбу қуролларни 2,5 минг Россия аскари қўриқламоқда. Ҳозирча Молдавия расмий кишилари бу қуроллар қачон Россияга қайтарилишини аниқлай олмаяптилар.

Эйфель минораси — гўзаллик тимсоли

Суд жараёни бошланди

Тблисида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе жонига қасд қилишга уринган шахслар гуруҳи устидан суд жараёни бошланди. Маълумки, ўтган йилнинг февраль ойида Президентга қарши ҳужум уюштирилган эди. «Озодлик» радиоси мухбирининг хабарига кўра, судда фақат битта айбланувчи — Гурам Абсандзе бор. У Грузия собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа ҳукуматининг аъзоси эди. Бошқалар эса суд жараёнида қатнашишдан бош тортишди. Энди уларни судга мажбуран олиб келишга тўғри келади.

Табиий офат оқибатлари

Бир неча ҳафтадан буён давом этаётган кучли ёғингарчилик туфайли юз бераётган сув тошқинлари оқибатида шу кунгача Хитойнинг Юннан ва Сичуан вилоятларида 57 киши қурбон бўлди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда табиий офат икки миллион кишининг ҳаётини издан чиқарган, юз минг гектардан ортиқ ҳайдаладиган ерлар сув остида қолган.

Янцзи дарёси қирғоқларини кўздан кечириш учун ташриф буюрган Хитой ҳукумати раҳбари Чжу Жунцзининг айтишича, дарёнинг баъзи жойларида аҳвол ўтган йилгидан ҳам оғирроқ. Маълумки, 1998 йилги сув тошқинлари оқибатида тўрт мингта яқин киши қурбон бўлган эди.

Тони Блэр евро тарафдори

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мамлакатнинг миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда Европанинг келажагини шакллантиришда фаол қатнашиш зарурлигини айтди. У ҳукумат ягона Европа валютасига қўшилиши мумкинлигини таъкидлади. Агар иқтисодий шароитлар етилса ва Британия фунтини евро билан алмаштириш масаласи умуммиллий референдумда тасдиқланса, албатта шу йўлга ўтилади.

Дўстона қўл узатишди

Исроил бош вазири Ёҳуд Барак Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан учрашганидан сўнг Қўшма Штатларда эришилган шартнома шартларини бажаришга тезда киришиш лозимлигини айтди. Музокарадан сўнг раҳбарлар бир-бирларига жилмайиб, дўстона қўл узатишди. Барак айтдики, эндиликда фаластинликлар ҳам терроризмга қарши курашишлари ва пировард натижада тинчлик шартномаларини амалга оширишлари зарур. Арафот эса Исроил режалаштирилганидек ўз қўшинларини босиб олинган ҳудудлардан тезроқ олиб чиқиб кетиши ва фаластинлик асирларни озод этиши зарур, деди.

Тимсоҳ минган спортчи

Одатда, отни минадилар, аммо, акула ёки балиқ «минган» одамни кўрганмисиз? Яна, Австралияда, кенгуру бўлсаям бошқа гап эди. Кўрмагансиз. Унда, мана, «кўринг». Дарвиндаги маҳаллий ҳукумат сузиш бўйича спорт мураббийси Марк Дэвисни «ҳайвонот оламига маънавий зарар етказгани учун» ишдан ҳайдашди. У сувда сузиш бўйича «тезликни ошириш» учун антиқа усулни ўйлаб топганди.

Дэвиснинг сузиш гуруҳини 7 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёш спортчилар ташкил этади. Дастлабки ютуқлариям чакки эмасди. «Ишбилармон мураббий» миллий ҳайвонот боғидаги тимсоҳни 4 соатга 50 долларга «ижарага» олиб машқ қила бошлади. «Ёлланган ишчи»ни «жонли машғулот»га спорт саройининг сув ҳовузига юк машинасида келтиришди. Тимсоҳни сузувчилар билан бирга бассейнга туширишга тайёрлашувдики, ҳеч кутилмаганда спортчиларнинг отаонаси, яқинлари қаттиқ қаршилик билдира бошлашди.

— Тимсоҳ спортчиларни ямламай ютса-чи?

Ростанам, тимсоҳ билан ёнма-ён сузишга кимнинг ҳам юраги дов берарди.

Шаҳар мэрига Дэвиснинг устидан арз қилиб, намойиш бошланди. Мэр ҳеч иккиланмай Дэвисни ишдан четлаштирди. Четлаштиргандаям «ҳайвонот оламига маънавий зарар етказгани учун» катта спортдан умуман ҳайдади.

Табиат бутун борлиқни, мавжудотни ўз-ўз ўрнида қонунияти асосида яратган. Отни улов ўрнида, ҳатто тозини фақат ов учун «ишлатадилар». Бу табиат мувозанатини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жониворларниям «таҳқирлаш» шундай қаттиқ жазо топганиям шундан.

Дэвис шоввоз балки қайсидир манбада «биринчи тимсоҳ минган одам» сифатида қолар. Лекин спортда эмас.

Саҳийа САЙХУН
тайёрлади.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси ҳузуридаги ер участкалари ва турар-жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги Маркази Тошкент шаҳридаги автотранспорт воситаларини сотиш бўйича очиқ кимошди савдолари ўтказилиши тўғрисида маълум қилади. Кимошди савдолари 1999 йилнинг 9 ва 20 август кунлари эрталаб соат 11.00 ўтказилади.

Кимошди савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Русуми	Чиққан йили	Бошланғич нархи, (сўм)
I. Тошкент ш. табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тегишли: Манзили: Тошкент ш.Чилонзор тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси,7.		
М - 412 ИЭ 029	1991	70817
ИЖ - 2715	1989	84980
ЕРАЗ - 762	1990	107613
II. Тошкент ш. Миробод тумани халқ таълими бўлимига тегишли: Манзили: Тошкент ш. Миробод тумани, Чехов кўчаси, 10.		
ГАЗ - 2411	1987	115104
III. Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекциясига тегишли: Манзили: Тошкент ш. Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 13 А.		
ИЖ - 2715	1987	87815
IV. Тошкент давлат техника университетига тегишли: Манзили: Тошкент ш. С. Раҳимов тумани, Университет кўчаси, 2.		
ГАЗ - 2401	1977	74884
ГАЗ - 2411	1989	136215
ВАЗ - 2121	1991	209723
ИЖ - 212510	1992	147237
ТИКО	1993	210103
ТИКО	1993	210103
АВИА - А - 31 Н	1986	405000
V.Тошкент ш.соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автотранспорт корхонасига тегишли:		
УАЗ - 452 А	1981	53662

Кимошди савдосига вақтида ариза берган,керакли ҳужжатларни тақдим этган, белгиланган тартибда хусусийлаштирилаётган объектнинг бошланғич нархини 10%дан иборат бўлган гаров бадалини тўлаган, юридик ва жисмоний шахслар қўйиладилар.

Кимошди савдосида ғолиб чиқмаган қатнашчиларга гаров бадали кимошди савдосининг якуний баённомаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида тўла-тўкис қайтарилади.

Тўлов шакллари:
Юридик шахслар учун — пул ўтказиш йўли билан;
Жисмоний шахслар учун — нақд пул тўлаш ёки банкдаги шахсий ҳисобларидан пул ўтказиш йўли билан.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар якшанбадан ташқари ҳар куни, соат 9.00дан соат 18.00гача, шанба куни соат 9.00дан соат 13.00 гача Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 13 уй манзилида, 2-хона, кимошди савдосини ўтказиш ҳайъатида қабул қилинади.

Бу ерда Сизни қизиқтираётган барча саволлар бўйича маслаҳат олишингиз мумкин.

Бизнинг телефон: 144-51-84.
Аризалар қабул қилиш кимошди савдосини бошланишига бир соат қолганда тугатилади.
Кимошди савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй. Кимошди савдоларини ўтказиш зали.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги ер участкалари ва турар-жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги Маркази томонидан 1999 йилнинг 28,30-июнь, 2,7 ва 15 июль кунлари ўтказилган кимошди савдоларида, умумий бошланғич нархлари 2022233 сўмни ташкил этган 13 та автотранспорт воситаси жами 2765000 сўмга сотилди.

«Чимилдиқ»қа кирганлар...

Ажабланманг, чимилдиқ — эзгулик белгиси. Аёллар йили муносабати билан суратга олинаётган «Чимилдиқ» фильмининг яратувчилари Китоб туманидаги «Умид» санъат саройида киномухлислар билан учрашдилар. Таниқли кинорежиссёр М. Афзалов, постановкачи оператор Х. Файзиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К. Жалилова, Ҳамза театри санъаткорлари — Д. Икромова, Р. Ярашева, Амир Темур видеофильми режиссёри С. Мухторов, 1997 йилда энг яхши аёл роли ижрочиси Р. Шодиева ва бошқалар ўз ишлари ва режалари ҳақида гапириб бердилар. Санъаткор ва мухлислар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди. Кейин «Ўтган кунлар» романи асосида суратга олинган янги фильм намойиш қилинди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Нафосат оламига саёҳат

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалари залида рангтасвирчи мусаввир Раҳмон Шодиевнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага мусаввирнинг истиқлол йилларида яратилган нафосат ва теран фикрлар оламига етакловчи кўпгина асарлари тақдим этилган.

Раҳмон Шодиев — бадиий ижодда ўзининг бетакрор асарлари билан халқимиз тасвирий санъатига юксак ҳисса қўшган ва аллақачон ўзининг эътиборли ўрнига эга бўлган мусаввирдир. Унинг асарларида халқимиз ҳаёти, айниқса, меҳнаткаш қишлоқ одамлари ҳаёти, сокин қишлоқ тонги ниҳоятда равшан ва жонли тасвирланади. Бу «Ёмғирдан олдин», «Ўтганларга фотиҳа», «Байрам» картиналарида яққол намоён бўлади. Унинг жимжимадор композицияларида ифодаланган тарихий қишлоқ ва шаҳарларимизнинг кўринишлари, ўтмишдаги фозилу олим кишиларнинг фалсафий мушоҳадали қиёфалари, одамларнинг ҳаёт тарзи томошабинни узоқ-узоқ ҳаёлий саёҳатга чорлайди. Чунки, томошабин ушбу асарларда ўзи яшаб турган, аммо эътибор бермаган ҳаётни кўради. Ва рассомнинг ўта синчков, кузатувчанлигига қойил қолади. Ички бир иқрорлик билан ушбу мўъжизаларни яратган сеҳрли бармоқларга тасаннолар айтади.

Нодир ҒАНИЕВ

Қабоҳат

ёки қўшмачи жувон ва унинг лақма жазманларининг аччиқ қисмати хусусида

Қишнинг рутубатли туни ҳеч нима кўрмагандек, гарчи уятдан чеҳраси тунд бўлсада, ўз ўрнини мусафо тонгга бўшатиб беришга шошиляпти. Кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган қадимий Когон шаҳрининг аллақаерида хўроз қичқирди. Бу янги тонг, янги кундан даракдир! Деҳқонобод кўчасида эса... кетма-кет ўқ овози эшитилди. Ғафлат босган қўшнилар бундан эсанкираб қолишди. Яна жимлик, атроф нимқоронғи... Чакаги тинмайдиган итлардан ҳам садо чиқмайди. Фақатгина қайфсафо, фаҳш ҳавосидан димиқиб кетган 40-уйда чироқ ёниқ. Ҳамма ери қонга беланган жувон чап кўкрагини чангаллаганича, орқасига қарамай кетаётган милтиқли кишини қарғаб, инграйди.

У мажолсиз қўшни уй томон судралди. Нафаси бўғзига тиқилганича, ёрдам беринглар, ёрдам, дея илтижоланади, қани бирор киши бу сасдан хабар топса. Беҳушлана бораётган жувон аранг қўшниси эшигини оёғи билан тепа бошлади.

— Эй, худо, бунча бепарво бўлмаса булар. Ахир ўлиб қоламанку!

Жон талвасасидаги жувон ўтган йигирма тўққиз йиллик умрини сарҳисоб қиляпти шекилли, ўз-ўзидан нафратлангандек қонли бармоқларига тикилади, шилимшиқ қўйлаги остидаги танасини кимдир иссиқ сув билан юваётгандек. Ҳа, шу билан гуноҳлари ювилсайди кошки! Кўзи ҳеч нимани кўрмаяпти. Ана, дарвоза очилди, кимдир уни пайпаслади.

— Сенга нима бўлди, Барно?

Бу қўшни аёл Зебинисо эди. У эри Зиёдулла билан Барнога ёпишди. Жувон уйда ҳам икки эркак ўлиб ётгани, учаласини Рамазон Жумақулов отганини айтиб, ҳолдан тойди. Барнони «Тез ёрдам»да олиб кетишди. Йўлда жон берди...

Барно Бақоева 24 ёшида эридан ажрашганига ҳам унинг енгил табиатлилиги сабаб бўлганини ана шу қўшнилар яхши билишади. Касб-кори бўлмагани, бунинг устига номига моманд барнолиги туфайли ишим юришса ажабмас, деган хаёлда кўнгил кўчасига кирди. Ўзига хон, кўланкаси майдон бўлди. Гапсўздан ўзини муҳофаза қилиш учун «фарзанд»ли ҳам бўлди. 1995 йилда туғилган қизчани асраб олди. Аммо, ўзини тиёлмади. Уйига вақтбевақт сўраб келувчи жазманлари кўпаяверди. Буни ниқоблаш учун жазманларидан бири — якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, ўзидан 19 ёш катта бўлган, Бухоро шаҳрининг Жувозқоғоз кўчаси, 71-уйда яшовчи оилали, 2 нафар фарзанди бўлган Рамазон Жумақуловни ўзига «эр» қилиб олади. Бу лақма жазманга қорин тўйса, маишат бўлса бас. Топиш-тутуши яхши, икки хотинни ҳам эплайди.

Аммо Рамазон аёл макридан хабардор эмаскан. Бунинг устига хотинидан ўйнашини афзал кўрар, кўпроқ у билан бўлишга шошиларди. Ароқ дейсизми, вино дейсизми, иккаласи басма-бас олишарди. Барнонинг отаси қизини бу тубсиз жардан тортиб олиш учун кўп ҳаракат қилди, бўлмади. Қизи отасини авради, ҳовлини қизчамнинг номига хатлаб беринг, деб. Ота кўнди . Ана энди бошланди томоша. Уй меники, хоҳлаган ишимни қиламан, ҳеч ким йўлимга ғов бўлолмайди, Ҳа, Барнони шайтон йўлдан оздирганди. Энди ўз танасини сотиш эмас, балки қўшмачилик билан кун кўра бошлади. Уйи фоҳишахонага айланди. Айрим суюқоёқ, енгил табиатли хотин-қизлар Барнонинг уйини ўзларига макон қилиб оладиган бўлишди. Иймони кемтик, бадқилиқ ёшлар кечқурунлари чақирилмаган меҳмон сифатида Барнонинг кафтига пул қистириб туришди. Олдисотди авжига чиқди. Ота қизини қойиди. Қиз писанда қилди:

— Топганимдан сиз ҳам еб турибсиз-ку!

Ота баъзан уйдан чиқиб кетар, сабаби маҳаллада бош кўтариб юролмасди. Маҳаллада Барнонинг ҳаётини изга солиш мақсадида очиқ йиғилиш ўказилди, панд-насиҳат берилди. Лекин...

Ҳаёсизга ҳар кун ҳай-ҳай керак экан. Бултур сентябрь ойида Б. Бақоева ўз уйида қўшмачилик қилиб турганида ушланди. Унинг жиноий иши Когон шаҳар судида кўриб чиқилди. 1999 йил 8 январда суднинг ҳукми билан у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. 1998 йил 1 декабрдаги амнистия асосида унга тайинлан-

Ҳаёт сўқмоқларида

ган жазо муддати ярмига қисқартирилиб, қатъий ўташ учун 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ҳукм қонуний кучга киргунга қадар эҳтиёт чораси билан очиқда қолдирилганди.

Ўрганган кўнгил-ўртанса қўймас деганлари рост. Барно эрта-индин қамаламан, вақт борида яна ишлаб олай деб фаолиятини давом эттираверди. Суд бўлиб ўтганидан сўнг Рамазон ҳам ундан кўнгил узолмади. Мендан бошқани демайди, деган хаёлга борди. Минг афсуски...

Халқимизда кўза кунда эмас, балки кунида синади, деган нақл бор. Шу йил 28 январь куни Бухоро шаҳридаги автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилинадиган бозорда яна «Эрхотин»лар учрашиб қолдилар. Савдо-сотиқдан сўнг улар бир отамлашмоқчи бўлишди. 2 шиша вино етмайди деб, унинг ёнига яна бир шиша шампан виноси олган Рамазон ўз Барносини ошхонага таклиф қилди. Таналарига иссиқ югурган жазманлар Когонга Барнонинг уйига йўл олишди. Иккала ошиқ-машуқлар дийдорлашиб ўтиришганда бехос эшик тақиллаб қолди. Барно меҳмонларни ичкарига бошлади. Меҳмонлар ҳар галгидек қуруқ қўл билан келишмаган: ароқ, ҳар хил ичимликлар ва алламбалолар...

Ўртага дастурхон ёзган Барно Р. Жумақуловни «меҳмон»ларга «Эрим» деб таништираркан, тил топишасизлар деган маънода кулиб қўйди. Барча ичимликлар ичилгач, меҳмонлар муддаога кўчишди:

— Барнохон, нақалар кўринмайди?

Барнодан садо чиқмади. Рамазоннинг авзойи ўзгарди? «Булар ҳам ўзига ўхшаганлар экан-ку?!»

— Топиб келмаймизми, — иккинчи «меҳмон»нинг ҳам иштаҳаси очилганди. — Бир кўча айлансак, Барнохон топиб беради, шундайми?

Рамазоннинг ғурури ғовлади, «меҳмонларнинг» иштаҳасини бузмоқчи бўлди. Орадаги рашк адоватга айланди, келишмовчилик жанжални юзага келтирди.

— Ўв, йигитмисан, учта қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамайди, билдингми?. — Ёши каттароқ меҳмон Рамазонга туёғингни шиқиллат демоқчи бўлиб, унинг иззат-нафсига тегди. Шунда Рамазон ташқарига отилди: «Ҳаммангни ўлдираман!»

Рамазон арақнинг таъсирини ҳам унутди шекилли, кўчадан дуч келган машинани тўхтатиб, Бухорога — уйига шошилди. «Қизиқ, Барнонинг макри қўплигини билмаган эканман-а! Шу кичкина қалбига яна неча киши сиғаркан? Ўт қўяман, ўша танасини илма-тешик қиламан, ҳа, туғилганига, мен билан танишганига минг пушайман бўлади. Ифлос, йигитлар олдида ғинг демай турди-я?! » У шу хаёллар билан уйига кириб кетди. Яшириб қўйган қўшотарни халтага соларкан, хотини Ашурага:

— Болаларни ва бу ёғини сариштa қил, — деди ва яна қўшиб қўйди, — Барно одамларига мени урдиртирди. Ҳисоб-китоб қилишим керак.

Ашура эрининг ортидан қараб қолди.

Машина Барнонинг уйи олдида тўхтаганда соат миллари тўртга қараб борарди. Рамазон қўшотарга ўқни жойлаб, парда ортидан меҳмонларни кузатди. Улар ёнбошлаб олишган, ўртада дастурхон, устида ароқ шишаси. Ҳаммасининг кайфи тароқ. Барно эса... Р. Жумақулов тунги меҳмонларга қараб кетма-кет ўқ узди. У типирчилаётган меҳмонларнинг жон беришидан завқланар, Барнонинг шу топдаги аҳволига куларди. Рамазон Барнога қараб:

— Мана буниси сенга аталган, хиёнатинг, жирканчлигинг учун! — дедида, тепкини босди.

Уйдан тўғри шаҳар милицияси томон равона бўлган Р. Жумақулов танасида бир зум енгиллик сезди. Аммо, вужуди тобора музга, тошга айланиб борарди. Чунки, 48 ёшида қабоҳат ботқоғига ботганлигини кеч пайқади. Тинчгина оиласи бўла туриб, бузуқилар тузоғига илинди. Ҳаммасига ўзи сабабчи. У ўзига-ўзи қилмиши учун жазо берарди. Ҳа, ҳар ким экканини ўраркан.

Бухоро вилоят судида ушбу жиноий иш батафсил кўрилди. Тажрибали судья Ҳикмат Аҳмедов раислигида ўтган очиқ суд мажлиси Р. Жумақуловга ўлим жазосини тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳа, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Аммо бизни бир нарса афсуслантиради. Ҳозирги озод замон нашидасини суриш ўрнига фоҳишабозлик, ҳаёсизликни ўзига касб қилиб олаётган айрим кимсалар қисмати ана шундай аянчли бўлишини нақотки тушунмасалар. Ахир, бир лаҳзали қайфсафо деб Когондаги «Кончилар» кўрғонида яшовчи Ҳаёт Жумаев, Давлат Маменовлар рашк қурбони бўлдилар. Уларнинг тарбиясидаги бўш ҳалқалар, жамоатчиликнинг бефарқлиги 4 та оилани ота-онасиз қилмадими? Ҳали ҳам жойларда маънавият ҳақида қуруқ лоф уришлар, қоғозбозликлар давом этаётганидан дарак эмасми бу? Бундай салбий ҳодисаларнинг ёшларга таъсири бўлмайди, деб ким кафолат берарди? Бу ҳақда бош қотиришнинг фурсати етган. Маҳалла, оила ҳамкорлиги, ҳокимликлар кўмаги ҳар дақиқа зарур эмасми?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Балли, каратэчилар!

Юртимизда спортнинг каратэ тури қисқа муддатда бунчалик оммавийлашиб, халқаро майдонларда довруғ таратишини ҳеч ким кутмаган эди. Зеро, кураш миллатимизга хос ифтихор, қолаверса, кураш ўзбекнинг қону-жонида бор. Шу боис, спортнинг беллашув турлари собиқадам ташламоқда. Миллий курашнинг жаҳоний мақом олгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Спортнинг энг қизиқарли турларидан ҳисобланган каратэга ошуфталар сафи кенгайиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Мухлислар каратэчиларнинг бултур Будапештда жаҳон кубогини қўлга киритишгани, Австралияда ўтказилган Гран-При мусобақасида ажойиб зафарга эришиб, 14 та олтин медаль билан қайтишганини яхши биладилар. Куни кеча яна хушхабар тарқалди. Каратэчиларимиз Германиянинг Бавария шаҳрида ўтказилган жаҳон жамоа биринчилигида ҳам ўзларини кўрсатдилар. Улар 6 та олтин, 1та кумуш, 6 та бронза медали билан қайтдилар. Хусусан, Аъзам Абдумавлонов, Отабек Қосимов, Элёр Дадамирзаевларнинг чиқишлари мухлису мутахассисларни ром этди. 13,15 ва 17 ёшгача бўлган каратэчиларнинг жамоа ҳисобидаги зафарлари ҳам давлатимиз мадҳиясини таралишига, мовий яшил байроғимизнинг кўтарилишига сабаб бўлди.

Ёркинойдан ёркин хотира

Ёркиной Сафоева агар ҳаёт бўлганида 23 ёшга тўларди. Урганчлик иқтидорли қиз мактаб ўқувчиси даврларидаёқ эл оғзига тушган, 1994 йилда Ҳиндистонда ўтказилган жаҳон ёш рассомлари кўргазмасида қўйилган сурати «Шонхор» («Шунқор») кумуш медалга лойиқ кўрилган эди. Лекин бевақт ажал муссавирни ўн тўққиз ёшида орамиздан олиб кетди.

«Олтин мерос» халқаро жамғармаси вилоят бўлими «Аёл борки - олам мунаввар» деб номланган тадбирда ёш рассом қиздан хотира қолмиш суратлар кўргазмасини очди. Унда Ёркинойнинг турли йилларда ижод қилган ўттизга яқин суратлари қўйилган. Ёркиной бу суратларида ўз тенгқурлари ҳамда воҳа аёлларини турли кўринишларда акс эттирган. Ҳар бир сурат ўз жозибаси билан томошабинни хушнуд қилади.

Дилноза БОБОТОЕВА

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Фаррух ҲАМРОЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 1.25
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Қувамебель» ҳиссадорлик жамияти

Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, жамият акционерларининг умумий йиғилиши 1999 йил 5 август куни соат 14.00 да жамият клубида бўлиб ўтади.

Кун тартибида

1 масала: жамият молиявий хўжалик фаолиятининг 1998 йил якуни ва 1999 йил 6 ойлик фаолиятининг натижалари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи.

2 масала: Кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш.

3 масала: ҳар хил масалалар.

Манзил: Фарғона вилояти, Қува шаҳри, Кайкубод кўчаси, 61-уй.

Йиғилишда қатнашувчи ёки уларнинг ваакилларини рўйхатга олиш 1999 йил 5 август соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда амалга оширилади.

«Қувамебель» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил 1 январь ҳолатига баланс ҳисоботи тўғрисида

Маълумотнома

Активлар баланс бўйича минг сўм

I асосий воситалар қолдиғи	47413.0
II оборот активлари	168272.0
Актив бўйича жами	*215678.0*

Пассивлар баланс бўйича

1- Устав капитали	20239.0
Қўшилган капитал	45565.0
Тақсимланмаган фойда	21597.0
Келгуси давр сарфи учун резервлар	33894.0
2- Мажбуриятлар ва қарзлар	94383.0
Пассив бўйича жами	*215678.0*

Ушбу баланс ҳисоботининг ҳамма фойда ва зарари ҳақидаги ҳисоботи тўғрилиги «Аудит» аудиторлик фирмаси томонидан № 52 рақамли лицензия билан 1995 йил 25 майда тасдиқланган.

Самарқанд саноат иқтисод коллежи ёшларининг севимли илм даргоҳларидан бирига айланган. Бу ерда ташкил қилинган маънавият ва маърифат хонасида республикамизнинг мустақиллик одимлари акс эттирилган суратлар, турли хил адабиётлар жой олган. Бугун коллежга интилаётган ёшлар жуда кўп. Биз тест синовлари олдидан барча умидли ёшларга улкан зафарлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Суратларда: 1. Маънавият ва маърифат хонасида навбатдаги машғулот (юқорида), 2. Абитуриентларга тест синови қонун-қоидалари тушунтирилмоқда

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар

ЭЪЛОН

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлар дон маҳсулотлари корхоналарида фермер хўжаликларига, ёрдамчи хўжаликларга ҳамда шахсий чорвадорларга чекланмаган миқдорда

омихта ем

сотиш ташкил қилинган.

Ҳисоб-китоб пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

«Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси

Шатранж оламида

Рустам жаҳон тожига даъвогар

Бугун Американинг хушманзара оромгоҳи Лас-Вегас шаҳрида жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари ўзларининг навбатдаги нуфузли анжуманларини бошлаб, бир ой мобайнида ўзаро дона суриб, фармонбардорларини саралаб оладилар.

Шахмат сардорлари сафида мамлакатимизнинг вакили борлигидан ғурурга тўламан. Аслида бу бизга азалий удум: минг йилча аввал шарқда шатранж гуллаб-яшнаган бир пайтларда жамийки ўлкаларга донг таратган олиялар, яъни замонасининг гроссмейстерлари сафида ўлкамиз вакиллари ҳам ўз ўринларига эга бўлишган. Хусусан, XI-XII асрларда яшаб ижод этган ватандошимиз Абулфатҳ Аҳмад Сижзий ўзининг нодир «Шатранж рисоласи»да: «50 йил мобайнида мен кўрган юртларни — Ҳиндистону-Бағдод, Шому Ғазнани кезиб чиқдим, аммо ўзимга тенг ҳариф тополмадим», дейди.

Бундай мисоллар оз эмас. Фахрланмай бўладими. Жаҳон биринчилиги учун расмий мусобақалар ўтказила бошлаганига эса 100 йилдан ошди. Бу даврда шахмат санъати шайдоларини мафтун этган кўплаб мастерлар, унутилмас партиялар юзага келди. Ўшандай баҳсларнинг бири 1972 йил июль — август ойларида Испанияда бўлиб ўтган ва унда учинчи жаҳон чемпиони Борис Спасский билан ўзига хос табиати ва шижоати билан шахмат оламида катта из қолдирган америкалик ҳам инжиқ, ҳам одамохун гроссмейстер Роберт Фишер беллашган эди. Ўша баҳс тафсилотлари билан «Ўзбекистон овози» муштарийларини мунтазам таништириб борган эдим. Ўша шарҳларнинг бирида баҳс ўтаётган бу мамлакатда бор-йўғи 300 минг аҳоли яшасада, улар орасидан 6 нафар халқаро гроссместер етишиб чиққани, кўп миллионлик республикамизда эса бу унвонга мушарраф бўлган биронта ҳам шахматчи йўқлигидан зорланиб ёзгандим.

Аллҳамдилилло, истиқлол туфайли мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Деярли ҳамма соҳаларда, чунончи спортда ҳам оламшумул муваффақиятларга эришилмоқда. Кейинги 7 йил мобайнида 7 нафар халқаро гроссмейстер, болалар ва ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпионларига , ҳатто катталар орасида тож талабгорларига эга бўлдик.

Низомга кўра, Лас-Вегасда бошланадиган жаҳон биринчилигининг дастлабки босқичида 72 нафар иштирокчи баҳсга киради. Томонлар 2 партияда орани очиқ қилолмасалар қўшимча ўйинлар белгиланади. Бинобарин биринчи босқичда бой берган 36 гроссмейстер ўйиндан чиқади. Кейинги босқичда шунча ғолибга рейтинг даражаси 2650 дан юқори бўлган 28 гроссмейстер, шу жумладан, жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, В. Ананд, В. Крамлинг ва бошқалар қўшилиб иштирокчилар сони 64 тага етади. Учинчи босқичда 32, тўртинчисида 16, кейингисида 8, сўнгра 4 ва ниҳоят якунловчи босқичда 2 киши тождорни аниқлайди.

Шартга кўра, биринчи босқичда енгилган шахматчи 6 минг долларни олади-ю ўйиндан чиқади. 2-босқичда эса гонарар миқдори 10.400 доллар, финал учрашуви иштирокчилари учун 1 миллион доллар соврин белгиланади. Ғолибга учдан икки қисми, мағлубга учдан бир қисми тегади. 20 ёшли вакилимиз Рустам Қосимжоновнинг Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент маршрути бўйича йўл харажатини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз зиммасига олди. Умуман компаниянинг шахматчиларимизга кўрсатилаётган биринчи ҳиммати эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Рустам эса ҳар жиҳатдан жангга шай ҳолатда. Ташланган қуръага кўра у дастлабки босқичда франциялик ёш гроссмейстер Кристиан Бауэр билан учрашади. Бауэрнинг рейтингни 2530, Рустамники эса 2606.

Тож талабгори бўлиб турган Рустамга омад ёр бўлсин!

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83